



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажак
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz •

2004 йил 4 май № 92 (3367)

Сеҳанба


Нишона

Хирмонга барака, пиллакорлар!

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани пиллакорлари бу йил 2400 қути қурт уруғидан 123 тоннадан зиёд «кумуш тола» етиштиришга аҳд қилишган. Бу — ҳар қути қурт уруғидан ўртача 56 килограммдан ҳосил олинади, дегани. Ана шу кўрсаткич ошса ошадик, асло кам бўлмайди. Негаки, Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг тажрибали пиллакорлари Матлуба Юсупова ва Нортोजи Умбарова туманда биринчилардан бўлиб мўлжалдагидан кўп ҳосил хирмонини уйишди: улар ҳар қути ипак қуртидан 80-90 килограммдан пилла йиғиштириб олдилар.

Хирмонингизга барака, пиллакорлар!
СУРАТДА: илгор пиллакор Матлуба Юсупова ҳосил чўғидан мамнун.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг "Меҳр ва муруват йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ун саккиз минг) сўм миқдорда бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.
2. Ушбу қарорни рўйга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамағмалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озолиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсинлар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси БМ вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари БИТга юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 май.

Эркин сўз қадри

Эркин матбуот ҳамиша тараққиёт гарови бўлиб келган. У жамиятни маънавий ва мафкуравий биқикликдан олиб чиқади. Мамлакатни жиноятчилик, коррупциядан тозалашда фаол иштирок этади. Шунинг учун йилдан-йилга дунёда матбуотга, ахборотга эътибор кучайиб бормоқда.

1999 йилнинг 3 май куни Африка қитъасининг Виндхукс шаҳрида оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини қўллаб-қувватлаш мавзюда халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари БИТ Бош ассамблеясига мурожаатнома йўллайдилар. Шундан буюн бу кун бутунжаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Кеча Миллий матбуот марказида шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда филология фанлари доктори Ф. Мўминов ва тарих фанлари доктори Н. Абдуазизованинг маърузалари тингланди. Шундан сўнг журналистлар ўзаро фикр алмашдилар. Сўхбат чоғида жамиятда эркин сўзнинг ўрни ва қадри, унинг мамлакат тарраққибига қўшадиган ҳиссаси ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Ўз мухбиримиз.

Жойлардан хабарлар

Халқаро анжуман

Тошкент Давлат техника университетида "XXI асрда юқори технологиялар ва олий техник таълимнинг ривожланиши" мавзюда халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу семинар университет билан Олий таълим фанлари халқаро академиясининг Ўзбекистон бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжумани ўтказишдан мақсад мамлакатимизда олий таълимни янада ривожлантириш, янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Семинарда Россия, Туркия, Қозғоғистон сингари бир қатор мамлакатлар олимлари иштирок этдилар.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

"Само"

қулочини кенг
ёймоқда

Қўрғонтепадаги "Само" ип-йиғирув ва тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти жамоаси махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмоқда. Корхонада иш ўсмада ташкил этилган бўлиб, айти пайтда бу ерда 650 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаётир. Утган йили "Само"да 1000 тоннадан зиёд ип-калава, 5 миллион погонметр хом сурп таёрланиб, 187 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари сотувга чиқарилди.

Жорий йилдан бошлаб корхона туман қишлоқларида тикув ва тўқув шохобчаларини очмоқда. Айти пайтда ушбу шохобчалар юздан зиёд уй бекаларини иш билан таъминлади.

Ез ойларида бошлаб вилоятнинг Хонобод шаҳрида юз ўринга мўлжалланган корхона ҳам ишга туширилади. "Само" чилар келажакда бу ерда Ўзбекистон — Россия — Германия қўшама корхонасини бунёд этиш ҳаракатидалар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳақ, ўй, саодати

Мустақиллик бизни хушёрликка ўргатди. Хушёрлик бизни миллат сифатида тағинда жилслашишга ўргатди. Бахил ганим эса буни кўролмади. Аҳиллигимиз дарахтига пойлаб туриб, болта урмоқчи бўлади.

Лекин унча-мунча болта зарблари бизга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди, десак, бу энди бизнинг хотиржамлигимиз бўлади. Хатоларимизга, камчиликларимизга кўл силтаб қўверсак, айрим ноҳақликларни кўриб қўрмасликка оласак — буюм хушёрлигимизнинг сусайгани.

Президентимизнинг Олий Мажлисининг XIV сессиясида гоё ҳақида, унинг мазмун-моҳияти ҳақида айтган гапларини эшитиб, хаёлимдан шундай ўйлар кечди.

Гоё осмондаги мавҳум гуч эмас. Гоё — моддий гуч. Гоё, менимча — меҳнат. Меҳнат — яхшилик. Меҳнат-у яхшиликка туташмаган гоё — фиску фасод. Фийҳат маломат. Хар қандай ганим ҳам кўп гапиргандан қўрмайд.

ди. Лекин меҳнатдан, машаққатдан қўрмагандан қўрқади. Кўп гапирганлар эмас, кўп ишлаганлар бирлашадилар.

Мен Эргаш Шомирзаев деган доцентни биларман: Тошкентда яшайди. Тўққизинчи қаватдаги хонадонини гилам, мебель билан тўлдирган ўрнига деворларга туваклар ўрнатиб чиққан. Тувак-

унинг изидан эргашингиз: ишлашади. Уша 3 сотих ердан олинандиган йиллик даромад 10 миллион сўмдан кам бўлмайди. Ҳожи ўз юртини ёмон дегани ёмон қўради. Кунини қарта ўйнаш билан ўтказиб, ота-онасининг навбатдаги пенсия пулини кутадиган, пул икки-уч кунга кечикверса, давлат ўзи қаяққа қара-

Ҳаракатда — баракат

ларда гул, ялпиз, райхон, помидор, бодиринг ўстиради. Тозалик-озодаликни жойига қўяди.

Мен Термизнинг Намуна қишлоғидан Урол Ҳожи Маматовни ҳам биларман. 3 сотихлик томорқани кўрсангиз, хайрон қоласиз. Ана, сизга меҳнат дейсиз. «Теплица» деб аталадиган иншооти қишда иситилмайди. Помидор, бодиринг ва бошқа палакларни совуқдан иншоотнинг ўзи сақлайди. Ҳожи меҳнати тоат-ибодат қатори азиз билади. Болалари, келинлари, неваралари — ҳаммаси

япти, деб ерга қараб гўдранаётган такасалтангни кўрса, баттар ёмон қўради. Фалон жойда яхши иш бўпти деб эшитса, боши осмонга етади. Имкон топса, ўша ишни бориб кўришдан эринмайди. Ёвуз террорчининг қора қилмишини эшитса, мушти қисилади.

Ана, фидойилик! Ана, асл фўқаролик! Ана, Ватандан, юртдан, юртдошлардан фахрланиш саодати.

Олий Мажлисининг сессияси материаллари билан танишганимдан сўнг кўнглимдан ўтган ҳис-

сийларимни қозғога туширарканман, яна шуларни айтаман: касбим шифокор. Олтимиш беш ёшга кирдим. Соғларимга киров тушиб мен англаган ҳақиқат шу бўлдики, хонадонинг — Ватанинг. Маслағинг — кўрғонинг. Хар бир лўқманг, хар бир қадаминг — қалқонинг. Қалқонинг маслак, маслакисиз Ватан бўлмайди.

Маслағи йўқнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам бўлмас. Бемаслак одам — кўрғоч. Ганим қўлида қўғирчоқ бўлиш ганимликдан ҳам минг баттар қобҳат.

Қадамлари собит, аҳдига содиқ одамларимиз аҳиллигини кўриб турган ганимлар бир ҳақиқатни билиб қўйсинлар: Ўзбекистон енгилмайди. Юксалиб бораверсади. Чўнқ йўлимиз анйқ, Бекатларимиз рақон. Ниятларимиз пок.

СЕРКА КАТТАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Термиз шаҳри.

Пойтахтимизнинг
Замонавий санъат
марказида мамлакатимиздаги меҳнатчиларнинг
уйлари тарбияланувчиларининг
"Қамалак
жилоси" расмлар
танлови бўлиб ўтди.

Ёш

мусаввирлар танлови

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жағғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда Китоб туманидан Б. Примов, Марғилон шаҳридан Т. Ким ғолиб деб топилди. Қорақалпоғистонлик З. Еримбетованинг "Хўтқиқ" деб номланган асары эса, энг яхши асар сифатида эътироф этилди.

Тадбирда Республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, жағғарма Васийлик Кенгаши раҳбари С. Иномова, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

ОГОҲЛИК

«ПАЙҚОН ЎЗИНГ, ҚАЛҚОН ЎЗИНГ...»

Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўхна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улўғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз.

Ислон КАРИМОВ

Муқаддима

Яқинда юртимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари, хунрезликлар тўғрисида жиддий фикр алмашиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, мамлакатимиз Президентини Олий Мажлисининг кўни кеча бўлиб ўтган сессиясида сузлаган нутқида мазкур воқеаларнинг сабаблари, ёвуз кўпуровчиликлар ортида турган кўчлар ва уларнинг мақсадларини англашга, бундай воқеаларнинг бошқа қайтарилмаслиги учун зарур чораларни кўришга, ўзимизга тегишли хулоса чиқаришга барчамизни даъват этди.

Агар эътибор берсак, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотларнинг кўпчилигини дунёнинг у ёхуд бу ерида амалга оширилган террористик ҳаракат, у келтирган қулфатлар тўғрисидаги хабарлар

ташкил қиляпти. "Террор", "террорист", "шаҳид", "диний экстремист" сингари совуқ сўзлар, афсуски, қўндалик мулоқотимизни тобора кўпроқ эгалляпти. Бу ҳолатнинг ўзидек мазкур иллатнинг нақадар кенг қўлам касб этиб бораётганидан, дунёда вужудга келган бугунги аҳвол нақадар ташвишли туш олаётганидан далолат беради. Зеро, терроризм қаерда бош кўтармасин, бу балонинг илдизи битта, ягонадир.

Модомики, шундай бало инсоният цивилизациясига хавф солаётган экан, ҳамма ерда унга қарши жиддий ва узлуқсиз кураш олиб бориш, бу борада оғзаки баёнотлардан амалий ишга ўтиш талаб этилади. Бу курашда эса фақат қурол қучига таянишнинг ўзи етарли эмас. Жиддий эътибор инсон омилига қаратилмоғи, унинг онги ва қалбини асраш учун ҳаракат қилинмоғи лозим. Бошқача айтганда, "фирқа қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қар-

ши маърифат билан курашиш" қоида-сига амал қилмоқчи — халқаро терроризм хавфидан халос бўлишда ҳам энг самарали йўл ҳисобланади.

Бир тилда гаплашайлик

Ўзининг тақдирини мустақил белгилашни бош мақсад қилиб олган Ватанимизга қарши қартилган террористик ҳуружларни гўё "чўқур таҳлил" қилаётган айрим кимсалар ҳамда хорижий ташкилотларнинг ҳаракатларига ҳам жиддий эътибор ва баҳо бериш вақти, бизнингча, аллақачон етган. Зеро, уларнинг ҳаммага ўрлаб тикиштиришга уринаётган қарашлари қўйидаги гайримантиққа бўйсунди: "Агар террор фалон мамлакатда ва фалон мақсадларда амалга оширилган бўлса, уни қоралаш керак, агар у мана бу мамлакатда ва мана бундай мақсадларда амалга оширилган бўлса, бунини тўшуниш ва керак бўлса, оқлаш мумкин."

Ўш, бу нима дегани? Бу — террорини оқ ва қораса, тўғри ва нотўғрига, яхши ва ёмонга ажратиш эмасми? Бундай ёндашуш, аслида, террористларнинг фаолиятини ўзига хос тарзда қонунлаштириш бўлиб қолмайди? Бундай ёндашуш террористларга жуда кўл келиб, уларнинг асосий мақсадлари амалга ошишини англамайди?

Қолаверса, мустақил мамлакатлар ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини ўша юрт эгалари эмас, бир ҳовуш жиноятчи-экстремистлар белгилаб бериши керакми? Ахир террористик актларга улар содир этилган жой, қитъа ёки мамлакатга қараб, турли хил баҳо бериш қайси халқаро қоидаларга мў келади?

Бошқаларни йўқ қилиш ҳисобига ўзининг қабих ниятларини амалга оширмоқчи бўлаётган бу кимсаларнинг мақсадларини, айримлар бизга тавсия қилаётгандек, сўраб-суриштириб ўтириш терроризмини оқлаш билан баробар эмасми? Инсоният бу иллатни тагтути билан йўқ қилиши керакми ёки у билан қандайдигар мулоқотга киришиши, уни "тўшунишга ҳаракат қилиши" лозимми?

Биз бу масалага бекорга алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ. Қўйиб берилса, террористларни "инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари" деб атайдиган айрим хорижий ташкилотлар ҳам топиллади. Улар бу муттаҳамлар инсоннинг энг олий ҳуқуқи — бу дунёда яшаш ҳуқуқини оёқости қилаётганидан кўз юммоқчи бўладилар. Мантиқни қаранг: бир кишини қасдан ўлдирган одамни бутун дунё сўзсиз "қотил" деб билади-ю, ўнлаб беғуноҳларнинг ўлимини уюштирган кимсаларни биз "инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси" деб аташимиз керак экан.

(Давоми 2-,3-бетларда).

Мухтарам муштарийлар!

"Халқ сўзи" ба «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда тахририят Сизнинг маънафатларингизни назарда тутиб янги илтиёзни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шовинчили!

Аграр соҳада сугуртанинг ўрни

“Узагросугурта” давлат-акциядорлик сугурта компанияси акциядорларининг ўтган йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди.



Самарқанд Катта тадбирга ҳозирланмоқда

Кўҳна ва навқирон Самарқанд кўплаб йирик халқаро анжуманлар, йирик симпозиум, давлатлараро муносабатларни ўрнатиш каби қатор тадбирларнинг шохиди бўлган.



Самарқандлик қўрувчиларга жисзаслик, тошкентлик ҳамкасблари ҳам ёрдамга келишган. — Ишнинг икки сменада ташкил қиланмиз, — дейди Республика академик лицейлар қурилиши инженирини компанияси бош маслаҳатчиси Шодмонхон Атавуллаев.

Хозирнинг ўзидек ёпиқ ва очик сув ҳавзалари, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, мини футбол, оғир атлетика, гимнастика ҳамда теннис кортлари шайланган.

СОҲИБҚИРОНГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур давлати билан Европа мамлакатлари ўртасида ўрнатилган дипломатия муносабатлари тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидандир.

Сийёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан юксак тараққиёт этган Амир Темур давлати билан дўстона алоқалар ўрнатиш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қарата бошлаган Англия, Франция, Венеция, Генуя ҳукмдорлари ва бошқа қироллар Мовароуннаҳрга ўз элчиларини юборган.

борадаги сайъ-ҳаракатлари ҳар қачна таҳсинга лойиқдир, деди у. “Амир Темур — Клавиho” уюшмаси президенти, Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий бош консули Сантьяго Руиз-Моралес Соҳибқирон давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихига тўхтади.

Жорий йилда Амир Темур давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасида дўстлик алоқаларни ўрнатишга 600 йил тўлади. Шу муносабат билан 2 май куни пойтахтимиздаги Темирийлар тарихи давлат музейида ўтган тадбирда “Амир Темур — Клавиho” Ўзбекистон-Испания

Соҳибқирон давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган мамлакатлар орасида Испания ўзига хос ўрин тўтган. Қирол Генрих Учинчи 1402 йилнинг баҳоринида Амир Темур давлатига

БУХОРОДА БОҒ БАРПО БЎЛМОҚДА

Бухоро шаҳридаги “Пахтаўй” болалар истироҳат боғи ўрнида аввалгисидан анча катта — етти гектарлик янги дам олиш масканини барпо этиш ишлари қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 4 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with exchange rates for various currencies including USD, EUR, GBP, and others.

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий ахборотни шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.

Мўминнинг бурчи нима?

Агар терроризмнинг туб илдизига разм солсан, у ўзалигини йўқотган, кўрқоклар ва жоҳиллар курали ҳисобланади. Агар одам деганларни мард бўлса, беғуноҳ, ҳимосиз инсонни ўлдирди.

“Ал-Коида”нинг “доҳийлари” томонидан кенг миқёсли террор беришга фатво бунга асос бўлган. Бориб турган ноинсонийликнинг яна бир намунасини қурингки, мажбурий фатвода ўлдирди қуроли сифатида аёллардан кенг миқёсда фойдаланишга кўрсатма берилган.

тақлиф қилинармикин ёки ўзини, халқини хурмат қилган ўша давлат ўзи тўғри деб билган йўлни тутармикин? Ҳарқалай, бизнинг ёдимиздан чиққани йўқ — инсоният XXI асрни халқаро терроризмнинг дахлатиди чакирини билан қарши олди.

Мантқиқдан келиб чиқилса...

Бу воқеаларга «Хизбут-Тахрир»чилар ўзларининг алоқалари йўқ деб кўрсатишга уринаётган бўлсалар-да, ҳолис халқаро экспертлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари «Хизбут-Тахрир»ни террористларни тайёрлаб берадиган ўзига хос конвейер эканлиги тўғрисида алоқадон умумий фикрга келганлар.


Исломиёв экстремизм — Исломга қарши

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни таъкидлашни истардик. Биринчидан, “Ўзбекистонда мусулмончилик этиктоди таъкид қилинаётганиги учун улар шу йўлга қирмоқдалар”, деган фикр мутлақо асоссиздир.

«ПАЙЖОН ЎЗИНГ»

лашнинг демократик усуллари: — Фикрлар эркинлиги; — кўппартиявийлик муҳитининг қарор топиши; — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш.

Ўзбекистон бу принципларга мамлакат Конституциясида ҳам, барча қонунларида ҳам, ҳаётда ҳам ижтимоий амал қилмоқда. Агар фарбча яшаш тарзига кўр-қорона тақлид қилинган бўлса, бу — бизнинг демократия нима эканини тушунамизмикини аниқлашмайди.



Спорт

Муҳаммадқодирдан, учрашу тасвурлари тўғрисида сўрадик.

— Бу жангга уч ой давомида ҳозирлик кўрдим. Учрашувдан аввал Жессини тезда енгаман, деб ўйлагандим. Бироқ жанг чоғида осон бўлмади. Рақибимнинг жиддий қаршиликни учраддим. Минг шукри, мусобақанинг саккизинчи раундида соф галабага эришдим.

бидлиришган. У менга қарши жанг ўтказганига қадар 15 учрашунинг 13 тасини ноқат билан яқунлаганди. Халқимизнинг дуосини олганлигим туфайли Жесси Фелисианони енгшига муваффақ бўлдим.

— Ҳозир қайси мурабий кўли остида машғул ўтказасиз?

— Утган йилги мағлубиятимдан кейин Кенни Адамс хизматидан воз кечдим. Бирок анча вақт Адамсдан сарбоқ олганлигим туфайли янги мурабий услубига қўника олмадим. Натижада яна америкалик мутахассис курсатмаларига таянган ҳолда машқи давом эттирдим. Бундан кейинги машғулотларни тўлиқ Кенни Адамс олиб боради.

— Муҳаммадқодир, кейинги режаларингиз қандай?

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ:

«ХАЛҚИМНИНГ ДУОСИ ҚўЛЛАЙДИ»

Халқаро миқёсдаги мусобақаларда зафар қучган спортчиларимизни тантанали кутиб олиш аънаёнага айланган. Жумладан, шу йил 8 апрелда профессионал боксининг WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам 30 апрель оқшомида гулдасталар билан кутиб олинди. Лас-Вегас (АҚШ)да у билан бирга яна бир боксчимиз Қувончбек Тойғанбоев ҳам бирга келди.

даврасида бўлиб, сўнгра Гамбургга жўнаб кетаман. Германияда бир неча кун бўлган машғулотларни давом эттириш учун Лас-Вегасга жўнайдим. У ерда бир неча ой шугулланиб, яна Гамбургга қайтаман ва июль ойида рингга чиқаман.

— Навбатдаги рақибингиз ким бўлиши мумкин?

— Ҳозир бирор нарса дейиш қийин. Лекин шуни аниқ айтишим мумкинки, рақибим WBA йўналиши бўйича 63,5 кг вазн тоифасида дунёнинг энг кучли ўн боксчисидан бири бўлади. Чунки кейинги галабаларим эвазига биринчи ўнликка кирганлигим туфайли рейтинг даражаси меникига яқин боксига қарши рингга чиқаман.

Олимпия, жаҳон ва Осиё чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни юртимизда

— Рейтинг бўйича ҳозир нечанчи ўриндасиз?

— WBO йўналишининг 69,9 кг. вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида мазкур жангча тўртинчи ўринда эдим. Мағлубиятдан кейин 25-поғонага тушдим.

— Сиз билан Лас-Вегасда деярли бир вақтда профессионал рингга чиқа бошлаган Муҳаммадқодир ва Руслан Германия клубларидан бири билан шартнома имзолади. Сиз эса ҳали ҳам Америкадасиз?

— Меннинг америкаликлар билан яна икки йиллик шартнома бор. Шунинг учун бошқа клуб ҳақида ўйлаб кўрганим йўқ.

— Қувончбек, Ўзбекистонда ҳали кўп вақт бўласизми?

— Бир неча ой Андижонда бўлам. Сўнгра Лас-Вегасга қайтмоқчиман. Жангларимга келса, дастлаб сентябрда, кейин ноябрда олимпиадага чиқаман. Ишонганим, бу жангларни муваффақиятли яқунлаб, яна ўз обрўйимни тиклаб олам.

Ражаб АЛИ. Абдувоис ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Вазирликлар, идоралар, олий ўқув юртлири раҳбарлари ҳамда талаба-магистрантлар диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

2004-2005 ўқув йили учун талаба-магистрантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари учун танлов ўтказди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон Қарори билан тасдиқланган «Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби»га мувофиқ куйидаги таълим йўналишлари бўйича ўтказилади:

- қишлоқ хўжалиги ва ирригация;
• техника ва информатика;
• тиббиёт, доришунослик ва жисмоний тарбия;
• ижтимоий-гуманитар;
• физика-математика ва кимё-биология;
• иқтисодий;
• педагогика-психология;
• маданият ва санъат;
• чет тиллар;
• ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
• журналистика.

Вазирлик ва идоралардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига даъвогар талаба-магистрантларнинг ҳужжатларини марказ талабларига риоя қилган ҳолда 1 нухсада тайёрлатиб, 2004 йил 1 июндан 30 июнгача Фан ва технологиялар марказига тақдим этиш сўралади.

Манзил: Тошкент ш., Ҳ. Сулаймонова к., 29-уй. Телефонлар: 139-11-93, 139-18-22.

Бешариқлик қаратэчилар

Бешариқ туманидаги «Яккут» ширкат хўжалиги ҳудудида қаратэ клуби ташкил этилди. Даврон Ашурматов бошчилик қилаётган ушбу клуб қисқа вақт оралиғида икки юз нафардан зиёд ёшларни бирлаштира олди.

Корхона ва ташкилотлар диққатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

ишловларни тайинлаш қўриб бибқазини учун (қалиб билан) пудрат савдоси (тендер)ни ташкил қилади:

- 1. Навоий вилояти, Навбахор тумани, «Истиклол» ширкат хўжалиғида 784 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши.
2. Навоий вилояти, Хатирчи туманида жойлашган «Дон қабул қилиш» пунктида 6,0 минг тонна дон сақлайдиган омборхона тубдан таъмирлаш.

Гран при соврингори

Хар йили Франция пойтахти Парижда фортелиано ижрочиларининг М. Рубинштейн номидаги халқаро танлови бўлиб ўтади. Яқинда бўлиб ўтган наватдаги танловда Ҳамза номидаги Тошкент музыка коллежининг 3-босқич талабаси Эленора Катлибулатова ҳам иштирок этди ва жаҳоннинг 50 та мамлакатидан келган пианиночилар орасида танловнинг мутлоқ ғолиби бўлиб гран прини қўлга киритди.

Экология барқарорлиги — гунё муаммоси

Тошкент Давлат юридик институтининг «Орол экологик инквизиция» XXI аср фожиаси мавзусида олимпиада бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ва «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган беллашув талабаларнинг танқидий ва таҳлилий фикрлари билан қизгин баҳсга айланиб кетди.

Ширкат ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари диққатига! ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ сизларнинг истақларингиз, тақлиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, мейдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маълум бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишда ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришдади.

Table with 5 columns: No, Manzil, Dilerlik markazlari nomi, Direktorlar ismi-sharifi, Telefonlari. Lists various branches and their contact info.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси ташкилоты Суд тиббий экспертиза кафедрасининг доценти Камила Акбергеновага отаси Абдухерим АКБЕРГЕНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати жамоаси Бўстонлик тумани юридик маслаҳатхонаси адвокати Абдуваҳоб РАХИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

MANZILIMIZ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Манбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Манбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов. Манбатчи — Х. Эшманов. Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ. СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР. Давлат стандарты рақами 3262-75. Ду 15-20 мм — ҚҚС билан 1 тоннаси 690000 сўм.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади. «ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақлиф этади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Банк логоси ва асосий маълумоти.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5